



СУРХОН ВОҲАСИ СУҒОРИЛИШ ТАРИХИДАН

Лола Игамуратова

Термиз археология музейи бош мутахассиси. Термиз Давлат
Университети Тарих факультети ва Археология кафедраси 2 курс
магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6370299>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-mart 2022

Ma'qullandi: 15-mart 2022

Chop etildi: 25-mart 2022

KALIT SO'ZLAR

Ирригация районлар,
Ўрта Осиё, Миршоди,
Қизилтепа, Шимолий
Бақтрия, Шеробод,
Чингизтепа, Қорасув-
Шўроб, Оққўрғон канали,
Қуллуқшо қишлоғи.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақола Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Сурхон воҳасида ҳам қадимги деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши суғориш тармоқлари, шунингдек, сув иншоотларининг барпо этилиши ҳамда ирригация хўжалигининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги ҳақида сўз боради.

Марказий Осиёнинг суғорилиш тарихи масалалари асрлар мобайнида тўпланган бой халқ тажрибаларининг ўрганишнинг амалий аҳамияти жуда катта. Суғорилиш бутун Шарқнинг барча катта-кичик дарё ҳавзаларида бўлганидек, Суғориш тармоқлари ва иншоотларини қуриш ҳамда уларни тартибда сақлаб туриш эса Осиёда ҳамма вақт марказий ҳукуматга боғлиқ бўлган. Осиёда деҳқончилик ва ирригация хўжалигини ташкил этишда марказий ҳукуматнинг роли ниҳоятда каттадир. Ўрта Осиё янги ерларни узлаштириш учун сув чиқариш ва бу ерларни суғориш лойиҳаларининг тузилиши муносабати билан суғориш тарихини ўрганиш йил сайин ҳам илмий, ҳам амалий аҳамияти касб этмоқда. Ўрта Осиёнинг суғорилиш тарихи масалаларини, ирригация

техникаси бўйича асрлар мобайнида тўпланган бой халқ тажрибаларини ўрганишнинг амалий аҳамиятини янада ошириш энг муҳим вазифалардан биридир. Бу, шубҳасиз, Сурхон воҳаси суғорилиши, масалаларини ирригация техникаси, айниқса унинг катта- кичик дарё водийларида аниқланган қадимги суғорилган ерларда археологик текширишлар олиб бораётган тарихчи - археологларни янги ерларни ўзлаштиришда бундан буён ҳам амалий таклифлар билан фаол иштирок этишга даъват этмоқда. Тарихшунос В. В. Бартольд «Туркистоннинг келажиги ва унинг ўтмиш излари» номли мақоласида қадимда суғорилган ҳудудлар ўрганиш хусусида «...ўша жойнинг ўзида ўтказиладиган батафсил текширишлар орқали ечилиши мумкин ва бундай текширишларда техник-



ирригаторларнинг иштироки қанчалик зарур булса, Туркистон тарихининг умумий йўналиши ва ўтмиш ёдгорликлари билан бирмунча таниш бўлган археологнинг иштироки ҳам шунчалик лозим» - деб ёзганидек, археологларнинг суғорилиш тарихи, суғорилиш иншоотлари масалаларини ечиш билан боғлиқ бўлган бевосита илмий тадқиқотлардан ташқари, замонамизнинг йирик суғориш иншоотлари қурилишларини амалга оширда маълум даражада ўз ҳиссаларини қушмоқдалар. Марказий Осиёнинг суғорилиш тарихи масалаларини ўрганишда археолог олимлардан Д. Д. Букинич, С. П. Толстов, Я. Ғуломов, Б. А. Латинин, В. А. Шишкин, Б. В. Андрианов, А. Муҳаммаджонов, А. Асқаров ва бошқаларнинг хизмати, айниқса катта бўлди. Воҳа суғорилиш тарихини ўрганишда археологик ёдгорликларини кенг кўламда ва мунтазам равишда ўрганиш Ўзбекистон халқларининг ижтимоий ва иқтисодий тарихи масалалари билан бир қаторда, Марказий Осиёнинг катта-кичик дарё ҳавзаларида деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши ва унинг асоси бўлган суғоришнинг пайдо бўлиши ҳамда суғориш иншоотларининг тараққиёти тарихи билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалаларга ойдинлик киритилди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига, сунъий суғориш тармоқларига асосланган ҳайдалма ер деҳқончилиги катта таъсир кўрсатган. Ўрта Осиё халқлари тараққиётининг умумий қонуниятларини ва хусусияларини таҳлил қилган барча мутахассислар ушбу ривожланишнинг муҳим омилларидан бири сифатида

ирригация хўжалиги ва техникасига асосланган суғориш тизимлари эканлигини қайд этишган. Олиб борилган археологик тадқиқотларга кўра Ўрта Осиё худудидаги тарихий-маданий ўлкаларнинг вужудга келиши жараёни минтақанинг асосий сув манбалари Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё каби дарёлар, кўплаб тоғ дарёлари, кичик сой сувларига асослангандир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки маданий ўлкаларнинг археологиясини моддий-маданий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўзида мужассам этган даврда маданий тараққиётнинг муқаддимасига асос бўлган ҳамда кейинги барча даврлардаги ривожланишига сабабчи бўлган муҳим бир омил ҳисобланган суғорилиш тарихини ўрганишнинг аҳамияти жуда каттадир. Мамлакатимиз маданий воҳаларидан бири Термиз воҳасининг суғорилиш тарихини ўрганиш бугунги кунда археология фанининг асосий масалаларидан биридир. Сурхон воҳаси суғорма деҳқончиликка асосланган Шарқ цивилизациясининг марказларидан бирига айланганлиги ва шу билан жаҳон маданияти тарихига муҳим ҳисса бўлиб қўшилганлиги бой ва мукамал манбалар асосида исботланди. Бу тараққиёт заминиде табиий, географик, экологик, шарт-шароитлар ҳам маълум даражада ижобий таъсирини кўрсатган. Ушбу манбаларни ўрганиш асосида воҳада жой олган маконлар негизда қишлоқларнинг, улардан эса ҳунармандчилик, деҳқончилик ишлаб чиқариши билан боғлиқ марказлари ва оқибатда улар заминиде урбанизациянинг пойдевори, хуллас



илк шаҳарларнинг ташкил топиш эволюцияси ҳамда ривожланиш динамикаси тарихини кузатиш имконияти яратилди. Сурхон воҳаси ҳудуди қўйидаги ирригация районларга бўлинган. 1. Шимолий ирригация райони. Тоғ сойлари асосида суғорилган сўнгги бронза давридаёқ бошланиб, (Миршоди) илк ўрта тош (Муродтепа) ва милoddан аввалги I минг йилликда (Қизилтепа) янада ривожланган. Милoddан аввалги III-I асрлардан бошлаб бу ирригация районининг маданий маркази Далвазинтепа ҳисобланган. Шимолий Бақтрияда Термиз шаҳридан кейин иккинчи ўринда тўрган.

2. Жарқурғон ирригация районининг қадимги маркази Хайтабодтепа қалъасидир. 1. Ангор ирригация райони. (Зартепа). 2. Шеробод ирригация райони. (Жондавлаттепа).

А.Асқаров бронза даврида Жанубий Ўзбекистонда уч деҳқончилик воҳалари таркиб топганлигини аниқлади. Улар қўйидагилардир: Тоғ ости Кўхитанг ён бағрларида таркиб топган Шеробод воҳаси, Бандихон воҳаси ва Шўрчи воҳаси унумдор, серқуёш жойлар бўлган ва суғорилиш деҳқончилиikka қулай бўлган. А.Г. Ананьевнинг фикрича Сурхондарё суви билан қўйидаги ҳудудлар суғорилиши хусусида фикрлар билдирилган.

1. Шарқдан Ғул-ғула қишлоғидан Айритомгача Боботоғ тоғлари, шимолий-ғарбдан Сурхон ва жанубдан Амударё чегараларигача, Янги ариқ ҳудуди.

2. Шимолдан Каттақум барканлари, жануби-шарқдан Талиитагора харобасидан Паттакесар қишлоғигача, Сурхондарё ва ғарбдан Сурхоннинг

қўйилиши жойидан Чингизтепагача Амударё билан чегараланган. Термиз ҳудуди.

3. Амударё ва Каттақум орасидаги Чингизтепадан Каптархонагача чўзилиб кетган дарё соҳиллари.

4. Маймун постидан Шўроб қишлоғигача Амударё чегаралаб турган Ангор ҳудуди. Бошқа томондан Қорасув-Шўроб Шар ариқ қишлоғигача ва бундан тўғри Тания қишлоғидан Ўрдалитепа харобаларига қадар, ундан Занг харобаларигача ва Зангдан Каптархонагача.

5. Бешқўтон ҳудуди, жанубидан Шўробдан Сассиққўлгача, Қорақурт тепалигидан Қорасув дарёсигача.

6. Сассиққўл постидан Қуйикамар постигача бўлган Қоракамар райони. А.Г.Ананьевнинг юқоридаги тартибда ҳудудларга бўлишининг асосий омилларидан бири ҳалқимизнинг асрлар мобайнида тўпланган тажрибасидир. Чунки ўтмишдан қолган ҳаёт излари археологик ёдгорликларда сақланиб қолганлигидир.

А) Термиз харобалари, Чингизтепа, Султон Саодат мақбараси, Кокилдорота мақбараси ва Қирққиз саройи харобалари.

Б) Ангор харобалари, Каптархона минораси сақланиб қолган.

В) Жанубий қишлоқ Жарқурғон харобалари Сурхоннинг чап қирғоғида Амударё яқинида бир қанча харобалар мавжудки, улар Янгиариқ қишлоғи Термиз воҳаси суғорилиши тарихи хусусида араб-форс муаллифлари Жайҳаний, Истахрий Муқаддасийлар ёзиб қолдирган асарлари ва ҳудудда кенг кўламда амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижалари ҳам жудуда муҳимдир. IX асрдан бошлаб



Термиз воҳасида барча жабҳаларда бўлгани каби суғорилиш иншоотлари ҳам жадал тараққий этган. Термиз воҳасининг X асрдаги суғорилиши тарихини ёритишда араб географик адабиёти намояндалари ал - Истахрий, Жайхунӣ, ал- Муқаддасий, Ибн Ҳавқал, ал- Маъсудий каби алломаларнинг асарлари катта аҳамиятга эга. Термиз воҳаси X асрда, ал-Муқаддасийнинг гувоҳлик беришича, Амударёнинг юқори оқимидаги энг йирик аҳолиси зич жойлашган шаҳар бўлган. У Хўтталон ва Сағонийнинг савдо маркази бўлиб, Амударёнинг юқори қисмидаги энг муҳим дарё порти ҳисобланган. Термиз ёнида Амударёдан ўтадиган энг қисқа, узунлиги икки араб миляси бўлган кечув жойлашган. Ўзи Термизда бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Жайхунӣ «Ашкол ул-олам» асарида шаҳарнинг тавсифини беради. Термизда ичимлик суви Амударёдан, экинларни суғориш учун сув Сағонийн дарёсидан олинганлиги хусусида фикрлар берилган. Аҳолиси ва бойлиги жиҳатдан Термиз Сағонийндан устун бўлган. Лекин Сағонийн шаҳрининг майдони бу даврда Термизникидан кенгроқ ҳисобланади. Ибн Ҳавқалнинг далолатича, Термизда энг яхши работлардан бири бўлиб, саёҳатчиларнинг тўхтовсиз оқими туфайли у катта даромад келтирган. Археологик ва ёзма манбаларнинг воҳа ёдгорликлари картографияси натижаларининг қиёсий таҳлилига кўра, IX аср Термиз ва унга туташ ҳудудларда янги суғориш иншоотларининг пайдо бўлиши, мавжуд ирригация тармоқларининг қайта тикланиши билан ажралиб туради. Бу жараён ўз навбатида янги ерларни

ўзлаштирилишига, деҳқончилик қуролларининг такомиллашувига ва оқибатда қишлоқ хўжалиги тараққиётига ижобий таъсир этган. IX асрда ҳам қадимги даврда бўлганидек Термиз вилоятининг асосий сув манбалари Чағонруд (Чағонийн дарёси) ва Туркондарё (XVIII асрдан Шерободдарё) ҳисобланган. Жайхун сувидан амалда далаларни суғоришда Хотинработ ва Бурдоғуй (қадимги номи Пандоки - Пардағви, бу шаҳар ал - Ҳаким ат - Термизий даврида Шўробсойнинг ўнг қирғоғида, унинг Жайхунга қуйилиш жойида жойлашган) атрофидаги дарё бўйларигина суғорилган холос. Араб-форс муаллифлари бу борада аниқ маълумот беради. Ал -Муқаддасийга кўра, Термиз аҳолиси ичимлик суви сифатида Жайхун сувидан фойдаланади, далаларни эса Чағонруддан суғорганлар. Археолог Т. Аннаевнинг тадқиқотларига кўра, VIII асрга қадар Термиз ва унинг атрофидаги ерлар учун асосий суғориш иншооти Катта Наҳар канали ҳисобланган. Туркий «Катта» ва арабча «Наҳрун» (Наҳрун - дарё) сўзларидан таркиб топган бу сунъий суғориш иншооти номи изоҳини ўзига унинг қадимийлигига яна бир бор ишоради. Бу сунъий суғориш иншоотининг бош қисми Талитагора қалъасидан Чағонруд (Сурхондарё) юқори оқими бўйлаб 3 километр юқорида жойлашган. IX асрда ҳам Термиз ва унинг атроф айна шу анҳор ёрдамида суғорилган ва унинг узунлиги 20 километрдан ортиқ бўлган. Термиз вилоятининг VIII - IX асрлардаги суғориш иншоотларидан яна бири Занг канали ҳисобланди. Занг атамаси қадимги туркий қабилаларидан



номининг бири⁴, айти бир пайтда йирик суғориш иншоот ҳам айти шундай аталган. Занг канали Л.И.Альбаум таъкидлашича, милoddан аввалги I асрда қурилган ва бу сунъий суғориш иншоотини бош қисми Ҳайитобод ёдгорлиги (ҳозирги Жарқўрғон воҳасидаги Ҳайитобод қишлоғи)дан 4-5 километр юқорида Сурхондарё ёқасида жойлашган бўлган. 1974 ва 1994-95 йилларда Ҳайитобод ёдгорлигида амалга оширилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики Занг каналининг қурилиши милoddан аввалги VI асрда амалга оширилган. Кушон подшолиги (милoddан аввалги I- мелодий III асрлар) ва илк ўрта асрларда Занг канали ёрдамида Жарқўрғон воҳасининг ўнг қирғоғи Сурхондарё бўйи ва Ангор воҳасининг бир қисм ерлари суғорилган. VIII ва IX асрларда ҳам бу сунъий суғориш иншоатидан мунтазам фойдаланилган. IX асрда ҳозирги Минор қишлоғи атрофида Сарманган, Чарманган ёки Жарминкон шаҳарчасининг шаклланиши ва ҳозирги Занг канали ҳавзаси бўйлаб кўплаб ўрта асрларга оид қишлоқ ва қалъаларнинг мавжудлиги фикримизнинг исботидир. IX асрдан бошлаб ёзма манбаларда Термиз ва «Темир дарвоза» йўналишида

Розиқ канали ва Розиқ работи тилга олинади. Фикримизча, Розиқ канали Шерободдарёнинг чап қирғоғидадан қазиб чиқарилган сув иншооти бўлиб, бу канал ёрдамида дарёнинг воҳа қисмидаги чап қирғоқлар суғорилган. Шерободдарёнинг эски ўзанларидан бири Бустонсойдан қазиб чиқарилган Талашқон канали (бу каналнинг пайдо бўлиши Талашқон - I қалъасининг асос солиниши санасига кўра, милoddан аввалги VI-IV асрлар оралиғига тўғри келади) ёрдамида суғорилган. Мелодий V асрда Талашқон II шаҳар - қалъаси инқирозга юз тутгандан сўнг ундан шарқроқда Талашқон III (баъзи адабиётларда Боқиятўзбоботепа) деб номланган йирик қишлоқ шаклланади ва VIII - IX асрлар давомида бу манзил йирик қишлоқ - рустоқ кўринишига эга бўлади. Талашқон ариғи VIII - IX асрларда айти шу рустоқ ҳудудларини суғорган. Шерободдарёдан қазиб чиқарилган Оққўрғон канали суви ёрдамида эса воҳанинг Оққўрғон тарафи ва Қулуқшо қисмлари суғорилган. Каттатепаёки Хосияттепа (археологик адабиётларда) IX асрда Қулуқшо қишлоғи атрофида Хушвара шаҳри мавжуд бўлиб, VIII - IX асрлардан XIII аср бошларига қадар бу шаҳар воҳа маркази бўлиб хизмат қилган.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. А.Аскарлов. Древние земледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана . Т., 1977.
2. Аршавская З.А., Ртвеладзе. Э.В., Ҳакимов. З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. Т., Издательство литературы и искусства имени Гафур Гуляма. 1982.
3. А.Д.Эрматов. Суғориладиган деҳқончилик., Т., 1983.
4. А.С.Сагдуллаев. Усадбы древней Бактрии. Т., 1987.
5. Бартольд В.В К истории орошения Туркестане, СПб 1914,
6. Массон М.Е. Термезская археологическая комплексная экспедиция Т., 1, М-Л, 1940, Т. II. Т., 1945,



7. Н.Я. Корженевский Физико- географический очерк Средней Азии. Т., 1925.
8. Пугаченкова Г.А. Ртвеладзе. Э.В. Северная Бактрияи Тохаристан . (очерки истории и культуры древности и средневековые) Т., 1990.
9. Пидяев.Ш.Р. Материалы к изучению древних памятников Северной Бактрии. -// «Древняя Бактрия» Л., 1974.
10. Ртвеладзе. Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского времени С.А. 2.
11. Ртвеладзе.Э.Р. Разведочное изучение Бактрийских памятников на юге Узбекистана-. // Древняя Бактрия Л., 1974.
12. С.Турсунов ва бошқ. Сурхондарё тарихи кўзгусида. Т., 2001
13. Соловьёв. В.С. Северные Тохаристан в раннем Средневековье. Елец.1997.